

ТУРИЗМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

Жабборова Зухра

Қарши давлат университети докторанти

Туризм индустрияси давлат иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий тармоқларидан бири бўлиб, у юқори рақобатбардош ва шу билан бирга маълумотларга бой бўлиб, истеъмолчиларнинг хулқ-атворидаги ўзгаришларга зудлик билан жавоб беришни назарда тутди. Бу, айниқса, туризм хизматларини илгари суриш учун тўғри келади, чунки у маркетинг стратегияси муваффақиятининг асосий омили бўлган оммавий рақамлаштириш даврида истеъмолчиларнинг эътиборини жалб қилмоқда. Туризм индустриясини ахборот билан таъминлаш туризм фаолияти тўғрисидаги маълумотлар базаси ва уни қайта ишлашга мўлжалланган, тармоқнинг самарали фаолиятини таъминлайдиган ихтисослаштирилган ахборот технологияларининг йиғиндисидир. Рақамлаштириш воситаларидан фойдаланиш мижозга реал вақт режимида туристик корхона ва меҳмонхонани мустақил танлаш, туристик маҳсулот ҳақида керакли маълумотларни топиш, хизматлар нархларини солиштириш ва харид қилиш имкониятини беради. Хизматлардан фойдаланиш кечаю кундуз бўлиши муҳимдир. Дунёда энг тез ривожланаётган ва мамлакатлар иқтисодиётига мўмай даромад келтираётган соҳалардан бири, шубҳасиз, туризмдир. Рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши кўплаб иқтисодий фаолият турларини, жумладан туризмни инфратузилма билан таъминлашни сезиларли даражада ўзгартиради. Рақамли иқтисодиётнинг асоси катта ҳажмдаги ахборотни қайта ишлаш эканлигини ҳисобга олсак, ахборотни сақлаш, қайта ишлаш ва узатишнинг юқори технологияли тизими алоҳида аҳамиятга эга. Потенциал сайёҳларга қулайлик яратиш мақсадида авиачипталарни харид қилиш, меҳмонхоналарни бронь қилиш, ҳудуд бўйлаб саёҳат қилиш, диққатга сазовор жойлар, маданий ва

тарихий мерос ҳақида малумот, рейтингларни тақдим этиш каби кенг функцияларни таъминловчи мобил технологиялар фаол ривожланишини кутишимиз керак. Рақамли иқтисодиёт туризм корхоналарининг потенциал янги шакллари яратиш имкониятини яратади. Кадрлар инфратузилмаси соҳасида ҳам жиддий ўзгаришлар бўлади. Ижтимоий ҳаётимиз ва сайёҳлик фаолиятимиз тобора технологик тус олмақда, жаҳон туризми соҳасида янги ягона ахборот маконини шакллантирмоқда, ахборот билан таъминлаш ва туризмни бошқариш тизими ишлаб чиқилмоқда.

Замонавий саёҳатчилар дам олиш сифати тўғридан-тўғри дам олувчининг тайёргарлигига боғлиқлигини яхши билишади. Бошқача қилиб айтганда, саёҳатга кетаётганда, вақтингизни ўтказишни режалаштирган жойингиз ҳақида иложи борича кўпроқ маълумотни топиш муҳимдир. Кўплаб диққатга сазовор жойларни кўриш, табиат гўзаллигидан баҳраманд бўлиш, бутун дунёга маълум бўлган ёдгорликларни ҳайротомус қийофасини кўриш - бу фаол сайёҳларнинг асосий мақсадларидан бири. Улар ҳар сафаридан максимал даражада бу имкониятлардан фойдаланишга интилишади.

Бугунги кун тажрибаларидан фойдаланадиган бўлсак, чет эл мамлакатларида турли синов тариқасида ўтказилган тажрибалар, хулоса ва ютуқларидан ўзимиз учун зарур қисмларини олиш ва мамлакатимиз шароитига мослаштиришимиз лозим. Бу тажрибалар синовдан ўтганлиги боис ўз ижобий натижалари бериши кузатилади. Аммо ўз навбатида маълум шарт-шароит ва муҳитни ҳам ҳисобга олиш лозим. Чунки туризм соҳасининг ривожини унинг ташқи омилларига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Тажрибалар асоси замонавий технология ва инновацион ғояларга таянади.

Ҳозирги кунда кенг тақалган инновацион туристик амалга оширилиб келинаётган ғоялардан бири виртуал туризмдир. Бу турдаги туризм орқали сиз уйдан чикмай туриб Париж ва Санкт-Петербург узра парвоз қилишингиз, Британия музейи ёки Кремл хазинаси залларига қарашингиз, ўзингизни Испания тоғлари ва шарашалари орасида ёки Галапагос ороллари ҳамда сув ости дунёсига топширишингиз мумкин.

Жаҳон тажрибаларидан олинган хулосага кўра виртуал туризмнинг бир қатор афзаликлари дунё мамлакатлари томонидан келтирилди. Улар қуйидагилар:

1. Виртуал туризм жуда арзон ва қулай саёҳат тури бўлиб, бундай саёҳат тайёргарлик кўриш учун ортиқча вақт талаб қилмайди, ҳамда ҳохлаган вақтда бошланган саёҳат исталган вақтга тўхтатилиш ва яна давом эттирилиши мумкин.

2. Биламизки саёҳат қилиш учун барчанинг ҳам имконияти етмаслиги мумкин, аммо виртуал туризм орқали маълум маблағ, тайёргарликсиз, баъзан кириш қийин бўлган мамлакатлар бўйлаб саёҳат қилиш имкониятини яратади. Яна бир томони Европа бўйлаб саёҳат қилиш имкониятига эга бўлмаган аёллар, ота-онасининг кузатувисиз чегарани кесиб ўта олмайдиган ўспиринлар ва дунё бўйлаб эркин ҳаракатланишига имкон бермайдиган оилавий мажбуриятлар юкланган одамлар: болали оналар, кўп болали ота-оналар ва бошқалар учун бу ажойиб имконият берувчи тизимдир.

3. Худуд бўйлаб тасаввурга эга бўлмаган ва тил билмаган сайёҳлар учун ҳам қулай имконият ярататади.

Кўпгина сайёҳлар виртуал туризм реал туризмга тайёргарлик кўриш учун қулай деган фикрни ҳам илгари сурганлар. Жаҳон мамлакатларидан Россия ўзининг Панорама орқали бутун мамлакат бўйлаб виртуал саёҳат қилиш имконини беради. Google street view дастури орқали эса дунё харитасида панорама жойлаштирили мумкин. Панорама маълум объект учун юридик шахс ёки сизнинг ўзингиз ҳам андроид ёки айфон орқали яратишингиз мумкин.

Яна бир виртуал тур яратувчи дастур «Аир Пиано» лойиҳасидир. Ушбу лойиҳа илгари фақат бой интернет корпоратсиялари профессионал ихлосмандлари томонидан назорат қилинадиган даражада маҳсулот яратган. Сферик ҳаводаги панорамалар эса аксинча, Аир Панонинг бутун экскурсиялари, видеонинг гўзаллиги ва сифати жиҳатидан Google ва Yandex га жиддий рақобатчи айланди. Google нинг яна бир лойиҳаси бўлиб у Art

Project deb nomlanadi. Bu loyiha san'atga ba'ishlaniб dunёning turli mintaqalarida жойлашган машхур музей экспонатларини виртуал шаклда жойлаштирилган¹. Тасвирлар виртуал видео лавхалар шу даражада аниқ олинганки сиз бемалол Винсент Ван Гокнинг «Юлдузли кеча» асарининг ҳар бир майда қисмларигача батавсил кўриб чиқишингиз ёки Суриковнинг «Бойар аёл Марозованинг қатл этилиши»² картинасида муаллиф ўзини тасвирлаган персонажи нигоҳидаги маънони ҳис қилишингиз мумкин.

Кўпгина музейлар нафақат экспонатлари, балки музей ташқи фасадини ҳам виртуал шаклга киритишга руҳсат беришади. Эндиликда сиз юмшоқ курсингиздан турмай туриб Эрмитаж заллари, Венециядаги Доглар саройи³ бўйлаб йиришингиз ёки Афина Акрополи музейига ташриф буюришингиз мумкин⁴.

Дунёда яна виртуал саёҳатнинг космос бўйлаб тури ҳам мавжуд бўлиб унда сиз ердан олинган сигналлар орқали ер шари сфера бўйлаб саёҳат қиласиз. Бу саёҳат жонли камералар билан ҳам амалга оширилади. Сониялар сайин тасвир ўзгариб боради, аммо бунинг учун сизда интернет ва сигнал бўлиши лозим. Акс ҳолда сиз фақатгина тасвирни кўра олишингиз мумкин.

Шунингдек ҳозирда оммалашиб бораётган 360 форматдаги картиналар билан яратилган ҳаракатланиш имконини берувчи виртуал саёҳат дастурлари ҳам ўрганилди. Хулоса натижаларига кўра ушбу дастур барча техник, электроник воситалар ёрдамида фодланиш учун қулай, оммабоплиги билан фойдаланувчиларга манзур бўлмоқда.

Юқорида қайд этиб ўтилган барча виртуал сайоҳат дастурлари натижаларидан Ўзбекистонда маълум шароит ва вазиятга мослаштирган ҳолда фойдаланиш мумкин. Хусусан, 360 форматдаги виртуал дастур.

Замонавий технологиялар туфайли бугунги кунда ўз уйингиздан чиқмасдан туриб, Ўзбекистон бўйлаб интерактив саёҳат қилиш мумкин. Буни

¹ <http://welcomeworld.ru/> Виртуальные путешествия по всему миру

² <https://www.canva.com/ru//41> лучший виртуальный музей мира, который необходимо посетить

³ <https://www.canva.com/ru//41> лучший виртуальный музей мира, который необходимо посетить

⁴ <http://welcomeworld.ru/> Виртуальные путешествия по всему миру

қилиш жуда осон. Республиканинг турли шаҳарларининг панорамалари, ўзига хос диққатга сазовор жойлари ва бошқаларни тақдим этадиган виртуал хизматдан фойдаланиш кифоя. Оддий ва тушунарли қидирув саёҳатчиларга бир неча дақиқада керакли маълумотларни билиб олишга имкон беради.

Ўзбекистон uzbekistan360.uz веб-сайти фақат маълум бир шаҳарга боришни ёки ўзига хос диққатга сазовор жойларни зиёрат қилишни режалаштираётган сайёҳлар орасида доимий талабга эга. Бу ерда улар нафақат маълум бир объектнинг, масалан, Минор масжиди каби панорамали кўринишга, балки тавсифга, аниқ манзилга ва ҳ.к. эга. Натижада, Ўзбекистон меҳмонлари илгари бўлмаган жойларда жуда кўп қийинчиликсиз ҳаракатлана олишади. Бу саёҳатчиларга қизиқарли ва мазмунли экскурсияларга максимал даражада эътибор беришга имкон беради.

Ўзбекистон 360.uz хизматининг маҳаллий аҳолини қизиқтирадиган афзалликлари бор. Виртуал платформа орқали улар керакли муассаса манзилини топиб, маршрутни чизиш имкониятига эга. Масалан, агар сиз Тошкентдаги Смалто стоматологик клиникасига ташриф буюришингиз керак бўлса, хизмат орқали ушбу муассаса ҳақидаги маълумотлар билан ҳақиқатдан ҳам танишишингиз мумкин, масалан:

- ✓ иш тартиби;
- ✓ алоқа маълумотларини;
- ✓ аниқ манзил;
- ✓ тақдим этилаётган хизматлар рўйхати ва бошқалар.

Бу ҳар қандай муассасага, шу жумладан музейларга, кафеларга, ресторанларга, гўзаллик салонларига, меҳмонхоналарга ва бошқаларга тегишли. Бундай маълумотлар сайёҳлар учун ҳам долзарб бўлади. Бундан ташқари, улар саёҳат олдидан ҳам, тўғридан-тўғри танланган шаҳарда бўлиш билан ҳам танишишлари мумкин.


Тошкент ва умуман Ўзбекистонда жойлашган кўплаб маданий ва меъморий ёдгорликлар, майдонлар, масжидлар, кўчалар ва бошқа объектларнинг панорамали кўриниши ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Қуёшли

республиканинг ҳар бир гўшасининг гўзаллиги ва улуғворлигига ишонч ҳосил қилиш учун аввал кўрсатилган сайтга назар ташлаш кифоя. Келажакда Ўзбекистон шаҳарлари бўйлаб интерактив саёҳатни амалга оширган фойдаланувчиларнинг аксарияти ушбу ажойиб ва мафтункор ўлкага саёҳат қилишни режалаштиришган.

Мавжуд изланишлар ва олиб борилган тадқиқотлар натижасида виртуал дастур яратишга эришдик. Ушбу дастур бошланиш маълумотлари фаолити Қашқадарё вилояти ҳудуди бўйлаб ўтказилди. Хусусан, вилоят бўйлаб жойлашган барча туристик объектлар (тарихий, маданий, кўнгилочар манзиллар, овқатланиш муассасалари, тиббий ёрдам кўрсатиш пунктлари ва бошқа керакли манзилларнинг 360 панарамаси) 360 панарамаси яратилиши кўзда тутилган.

Қуйида лойиҳани амалга оширишнинг тахминий режаси келтирилган:

Объектларни ўрганиш. Биринчи қадам машҳур ёдгорликлар, археологик объектлар ва туристларни ўзига жалб қила оладиган барча объектлар ўрганилади. Бунда онлайн тадқиқот ишлари ва маҳаллий манбаларга мурожаат қилинди.



3.3-расм. Қашқадарё бўйлаб виртуал туризм дастурини амалга ошириш режа схемаси⁵

Материаллар тўплами. Виртуал саёҳатни яратиш учун обидалар, мавжуд

⁵ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган
www.pedagoglar.org

туристик манзиллар ва ёдгорликларнинг кўплаб фотосуратлари ва видеоларини олиш зарур. Бундан ташқари, ҳар бир мулк ҳақида кўшимча маълумот олиш учун маҳаллий экспертлар билан суҳбатлар ўтказилиши мумкин.


Контент яратиш. Ушбу босқичда ҳар бир объект учун матн, график ва видео контент яратилади. Бу тавсифлар, фактлар, тарихий маълумотлар, қизиқарли ҳикоялар, шунингдек, фотосуратлар ва видеолар бўлиши мумкин.

Веб-сайт ёки иловаларни ишлаб чиқиш. Виртуал саёҳат лойиҳанмиз учун веб-сайт ёки мобил илова яратиш муҳим қадамдир. Фойдаланувчиларга ҳар бир объект ҳақида керакли маълумотларни осонгина топиш имконини берадиган қулай ва интуитив интерфейс яратиш керак.

Синов. Виртуал саёҳат лойиҳасини ишга туширишдан олдин дастурнинг ишлаши ва функционалигини текшириш учун тест ўтказиш керак. Реклама ва тарғибот. Иловани ишга туширгандан сўнг, фойдаланувчиларни жалб қилиш учун маркетинг фаолияти амалга оширилиши керак. Ижтимоий тармоқлар, онлайн ва маҳаллий реклама, маҳаллий аҳоли ва сайёҳларнинг оғзаки тавсияларидан фойдаланишимиз мумкин. «Қашқадарё бўйлаб виртуал саёҳат» виртуал экскурсия лойиҳаси Қашқадарё вилоятининг маданий мероси билан танишиш, сайёҳлар эътиборини жалб қилиш ва уларнинг шаҳарга ташриф буюриш тажрибасини бойитишнинг ажойиб усули бўлиши мумкин. Лойиҳа нафақат машҳур ёдгорликлар ва ҳайкалларни, тарихий, маданий ва меъморий аҳамиятга эга бўлган жойларни балки туристлар учун қулай дам олиш масканлари, овқатланиш шаҳобчалари турлари ва бошқа хизматларни таклиф қила олади: масалан, боғлар, бинолар, музейлар ва бошқаларни ўз ичига олиши мумкин.

Лойиҳанинг асосий хусусиятларидан бири унинг фойдаланиш қулайлигидир. Фойдаланувчилар исталган вақтда ва исталган жойда мобил қурилмалари ёки компьютерлари орқали Қашқадарёнинг туристик манзилгоҳлари, кўнгилочар манзиллари, овқатланиш ва жойлаштириш муассасалари ва улар ҳақидаги тўлиқ маълумот олишлари ҳамда ушбу ҳудуд

ёдгорликлари ва ҳайкаллари жозибасидан баҳраманд бўлишлари мумкин бўлади.



3.4-расм. Қашқадарё бўйлаб виртуал туризм дастурининг амалий намунаси

Лойиҳа жисмоний имкониятлари чекланган ва шаҳарнинг барча қизиқарли жойларини зиёрат қила олмайдиганлар учун ҳам фойдали бўлиши мумкин. Бундан ташқари, виртуал саёҳат лойиҳаси келажакда вайрон бўлиш ёки йўқ бўлиб кетиш хавфи остида бўлиши мумкин бўлган ёдгорликлар ва ҳайкаллар ҳақидаги маълумотларни тўплаш ва хужжатлаштириш имкониятини берувчи Қашқадарё маданий меросини сақлаш воситасига айланиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Официальный сайт Всемирного совета по туризму и путешествиям [Электронный ресурс]. – URL: <https://wtcc.org/en-gb/Research/Economic-Impact> (дата обращения 1.05.2020).
2. Дворниченко В.В. История международного и национального туризма. М. Издательство МЭСИ, 2001.

3. Julio Aramberri, Richard Butler “Tourism development: Issues for a Vulnerable Industry”, Arizona State University. USA 2004.293P
4. Кабушкин Н.И. Менеджмент туризма. – Минск: Новое знание, 2002. – 407 с
5. Дворниченко В.В. История международного и национального туризма. М. Издательство МЭСИ, 2001.
6. 7. Kotler, Boven & Makens (2006), Marketing for Hospitality and Tourism 4th ed, Pearson Education, Ink, 2006.
7. Боголюбов В.С., Орловская В.П. Экономика туризма. – М.; Издательский центр “Академия”, 2008. – 384 с.
8. Rakhmatulla Khidirovich Ergashev, Zuhra Jabborova “The importance of innovative activity in tourism”. Scholar Journal (ESJ) 4, April 2021. P 467-472.
9. Lavinia A. et al. (2024). A Mathematical Programming Approach to Sparse Canonical Correlation Analysis. Expert Systems with Applications. Volume 237, Part A, 2024, 121293 // 2) Y. Xiang et al. A multi-factor spatio-temporal correlation analysis method for PV development potential estimation. Renewable Energy, Volume 223, 2024, / <https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S0960148124000272>